

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 22

“23” 12 2022 йил

Тошкент ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани МТБ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари О.Ахрарова бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган МЧЖ “COMPLETE TRADE SERVICE” масъуляти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбари Б.Бахриддинов иккинчи томондан, ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулятиги конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар:

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойихада кўзда Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани 171 –сонли ДМТТ асфалт ёткизиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шартноmalарни яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси натижасида аниқланиб, Танлов комиссиясининг (209922) 20.12.2022 йилдаги электрон танлов баённомаси билан тасдиқланган ишлар қийматининг барча солиқлар шу жумладан ҚҚС билан объектнинг қиймати (115439808) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас. қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда:

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш:

қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги даълолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатилш:

қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

қурилиш объекти бўйича фойдаланишга қабул қилиш даълолатномасини тегишли тартибда тасдиқланган ҳолда объектни буюртмачига топшириш

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда даълолатнома бўйича Пудратчига бериш:

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўyxатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома конун ҳужжатларига мувофиқ рўyxатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича объектни фойдаланишга топшириш муддати **15 (Ўн беш) кунни** ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий кийматининг **30 фоизи: – 34 631 942.4** (Уттиз турт миллион олти юз уттиз бир минг туукиз юз қирк икки) сўм 40 тийин миқдоридан аванс маблағини 10 кун ичида ўтказиб беради.

Яқуний қолган **70 фоизи: – 80 807 865.6** (Саксон миллион саккиз юз етти минг саккиз юз олтимиш беш) сўм 60 тийинни 20 кун ичида амалга оширади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1-илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг **50 фоизигача** доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган **50 фоизи** учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлагандан овоз қилинмайди.

20. Шартномани амал қилиш муддати **31 декабр 2022 йил**.

VIII. Ишларни бажариш

21. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

22. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

23. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

24. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

25. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

26. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

28. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

29. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

30. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

31. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

32. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

33. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва Ўзбекистон

Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

34. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

35. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

36. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

37. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 36-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

38. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туган кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

39. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тавом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш

40. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидан материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

41. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

42. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

43. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўн вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

44. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

45. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

46. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб **5 кун** мобайнида қабул қилиб олинади.

47. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан **5 кун** олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

49. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

50. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

53. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

54. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

55. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

56. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

57. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,4 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод қилмайди.

58. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманин **15 фоизи** миқдорида жарима тўлайди.

59. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,1 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортини, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **15 фоизи** миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

62. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

63. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни копланда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Коррупцияга қарши шарт

64. Томонлар:

Томонлар, уларнинг аффилиган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартномада бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ёки коррупция характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатсизликларни содир етмайдилар;

Томонлар, уларнинг аффилиган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатли вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

65. Томонлар ушбу Шартноманин **67-бандидаги** талабларни бузиб содир етганлиги ёки содир етилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақида иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

XVII. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини, Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўдишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи

Шайхонтоҳур МТБ

Манзил: Тошкент ш.Шайхонтоҳур тум.
Чорсу 1 уй.
х/р 100022860262777091100251044
Марказий банк Тошкен ш ХККМ
ИНН: 305145622
МФО: 00014
Молия вазирлиги газначилиги
Рас/сч: 23402000300100001010
ИНН: 201122919 МФО: 00014

Пудратчи

“МЧЖ “COMPLETE TRADE SERVICE”

Манзил: Тошкент ш.Чилонзор тум.17-28-17 уй.
х/р 2020 8000 6044 7759 0001
АТБ«Микрокредитбанк» Косонсой ф-л
ИНН: 206171689
МФО: 01049
ОКЭД: 41202
Тел:



М.У. **О. Ахрарова**



М.У. **Б.Бахриддинов**

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

RV8076362646

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **22-sonli Shartnoma 115439808 so'mlik**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Shayxontohur tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 21.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Shayxontoxur tuman
yuridik markaz
markaz rahbari:**



D.U.TOG‘AYEV

21.12.2022



TASDIQLAYMAN

Shayxontoxur tumani

Maktabgacha ta'lim bo'limi

Mudiri _____ O.A. Axrarova

_____ 2022 yil

Toshkent shahar Shayxontohur tumani
Maktabgacha ta'lim bo'limi tasarrufidagi 171-sonli DMTT bolalar yozgi ayvonchalarini joriy
ta'mirlash bo'yicha tanlash komissiyasi yig'ilishining 2022-yil 22-dekabdagi soat 18:00
16-sonli BAYONNOMASI

Raislik qildi: O.A. Axrarova

Ishtirok etdilar: A. Abduraxmanov, F. Kamaletdinova, A. Ergashev, X.Sayfullayev

KUN TARTIBI:

171-sonli DMTT bolalar yozgi ayvonchalarini joriy ta'mirlash va oshxonasini ta'mirlash uchun davlat xaridlarining elektron tizimi (etender.uzex.uz) portaliga taqdim etilgan tijorat takliflarini o'rganib chiqish va baholash uchun yig'ilish bayoni joylashtirilgan.

Yig'ilishda davlat xaridlarining elektron tizimi (etender.uzex.uz) portaliga tijorat takliflari va yig'ilish bayoning 2 kun muxokamada turilganligi va hech qanday etirozlar kelib tushmaganligini inobatga olgan holda asosiy g'olib "Complete trade service" MCHJ korxonasi va zaxiradagi golib "Tash asphalt beton invest" MCHJ deb topildi.

Shundan so'ng O. Axrarova so'zga chiqib, O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi O'RQ-684sonli "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonuni talablaridan kelib chiqqan holda ma'lumot berib o'tdi.

Kun tartibidagi masalalar muhokama qilinib,

QAROR QILINDI:

1. "Complete trade service" MCHJ 171-sonli DMTT bolalar yozgi ayvonchalarini joriy ta'mirlash va oshxonasini tamirlash uchun Lot № 22110012209922 tanlash g'olibi deb hisoblansin.

2. "Eng yaxshi takliflarni tanlash" natijalari g'olibi bilan 115 439 808 so'mga shartnoma tuzib, davlat xaridlarining elektron tizimi (etender.uzex.uz)ga joylashtirish va o'rnatilgan tartibda tegishli G'aznachilik bo'linmasida ro'yxatdan o'tkazish uchun yuborilsin.

3. Mazkur qarorning ijrosi va nazoratini o'z zimmamda qoldiraman.

Komissiya raisi:

O. Axrarova

Komissiya a'zolari:

A. Abduraxmanov

F. Kamaletdinova

A. Ergashev

X.Sayfullayev

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 209922 на приобретение 171-МТТ
биносини асфалт билан коплаш**

Способ проведения электронный

Дата 20.12.2022

Время рассмотрения 09.12.2022 09:45

Конкурсная комиссия Мактабгача таълим бўлими жами ташкилотлар, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	AXRAROVA OSIYO ABDURAXMANOVNA	Mudir	Komissiya raisi
Секретарь комиссии	XOLLIYEV ABBOSJON TO`XTAMUROT O`G`LI	AKT mutaxasisi	A'zo
Член комиссии	ABDURAXMANOV ATABEK ULUGBEKOVICH	Bosh hisobchi	Komissiya azosi
Член комиссии	SAYFULLAYEV XAYRULLA SAYFULLA O`G`LI	Xizmat boshlig'i	Komissiya azosi
Член комиссии	KAMALETDINOVA FERUZA MUZAFFAROVNA	Bosh iqtisodchi	Komissiya azosi
Член комиссии	ERGASHEV ABDUMAJID GANIYEVICH	Xizmat bo'limi mutaxasisi	Komissiya azosa

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.12.2022 года № лота 209922.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 61

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Асфальтирование
Подробное описание	Асфалт - 171-ДОУ
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	116 476 144.00
Стартовая сумма	116 476 144.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 O'zbekiston Respublikasining 2021 Yil 22 apreldagi "Davlat Xaridlari to'g'risida" Gi O'RQ-684-son Qonunining 37-modd asiga asosan Ishtirokchilarga quyidagi qo'shimcha talablar.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ishtirokchilar tomonidan kiritiladigan taklif tanlash xujjatidagi talablarga to'liq mos kelishi shart. Nuqsonli ishlar xatida ko'rsatilgan fizik ish hajimlaridan kelib chiqib tuziladigan takliflar (ofyorta) taqdim etiladi. Qo'shimcha talablarni to'liq bajarish bo'yicha kafolat xati iova qilgan ishtirokchilarga baholashda ustunlik beriladi.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	10	ОФЕРТА	10	Экспертная		
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	10	10	10	Экспертная		

Критерий №2 Tanlash ishtirokchisi to'g'risida umumiy ma'lumot.

Тип: Текстовое значение

Описание: Tadbirkorlik sub'ekti davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi guvohnoma nusxasi elektron shakli (davlat ro'yxatidan o'tganiga 2 yildan kam bo'lmagan ishtirokchilarga ustunlik beriladi); bank rekvizitlari, yuridik va pochta manzili, ta'asischi va benefitsiar to'g'risida davlat tilida tashkilotning rasmiy blankasida tasdiqlangan ma'lumotlar (ta'asischi va benefitsiarning STIR, pasport yoki ID-karta nusxasi elektron shaklda, telefon raqami), Mazkur ma'lumotlar yoki ma'lumotga ilovalar to'liq taqdim etilmasligi yoki noto'g'ri taqdim etilganligi aniqlansa minimal ball bilan baholabadi. IZOХ:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	5	ОБЩАЯ ИНФОРМАЦИЯ О УЧАСТНИКЕ	5	Экспертная		
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	5	5	5	Экспертная		

Критерий №3 Bajariлgan ishlar va ish tajribasi to'g'risida ma'lumot.

Тип: Текстовое значение

Описание: 2021-2022 yillar mobaynida qurilish-ta'mirlash sohasida bajargan ishlari ro'yxati, mazkur ishlar bo'yicha imzolangan shartnomalar, topshirish-qabul qilish dalolatnomalari nusxasi elektron shaklda taqdim etilishi lozim. Mazkur e'londa ko'rsatilgan ishlar bilan bir xil turdagi ishlarni tuzilgan shartnoma shartlariga asosan bajargan ishtirokchilarga baholashda ustunlik beriladi. Ishtirokchi tomonidan ma'lumot taqdim etilmasligi yoki mazkur talab asosida taqdim etilmasligi minimal ball bilan baholanadi.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	15	ОПЫТ РАБОТ	15	Экспертная		
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	15	15	15	Экспертная		

Критерий №4 Soliqlar va yig'implarni to'lash bo'yicha muddati o'tgan qarzdorlikning mavjud emasligi to'g'risida ma'lumotnoma.

Тип: Текстовое значение

Описание: Soliq organlarining elektron davlat xizmatlari portalidan olingan ERI bilan tasdiqlangan ma'lumotnoma (takliflarni qabul qilish davrida chop etilgan) taqdim etilishi lozim. Ishtirokchi tomonidan ma'lumotnoma taqdim etilmasligi yoki mazkur talab asosida taqdim etilmasligi minimal ball bilan baholanadi. Muddati o'tgan qarzdorligi mavjud yoki ma'lumotnomani noto'g'ri taqdim etgan ishtirokchi tanlashdan ChETLASH TIRILADI. IZOХ: topshirilgan xujjatlar buyicha ballar tengligi bulgan takdirida xujjatlarning kuyi darajasi kaytadan kurib chikib ustunlik kilgan tashkilotga yukori ball kuyilib kolgan tengl

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	5	СПРАВКА НАЛОГОВОЙ	5	Экспертная		
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	5	5	5	Экспертная		

Критерий №5 Byudjetga to'langan soliqlar va yig'implar to'g'risida ma'lumot.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ishtirokchi tomonidan 2021-2022 yillarda bajargan ishlari soliq organlarining elektron davlat xizmatlari portalidan olingan ikki tomonlama ERI bilan tasdiqlangan barcha hisobvara-q-fakturalari nusxasi elektron shaklda; davlat byudjetiga hisoblangan hamda to'langan daromad solig'i, ijtimoiy soliq, foyda solig'i, QQS va boshqa soliqlar va yig'implarning jami summasi bo'yicha solishtirma dalolatnomalar nusxasi ERI bilan tasdiqlangan shaklda. Ishtirokchi tomonidan ma'lumot taqdim etilmasligi yoki mazkur talab asosida taqdim etilmasligi minimal ball bilan baholanadi.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	10	СОЛИШТИРМА ДАЛОЛАТНОМА	5	Экспертная		
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	10	10	1	Экспертная		

Критерий №6 Tanlash ishtirokchisi tomonidan korruptsiya ko'rinishlariga yo'l qo'yimaslik bo'yicha ariza.

Тип: Текстовое значение

Описание: Tashkilotning rasmiy blankasida davlat tilida tasdiqlangan holda korruptsiya ko'rinishlariga yo'l qo'yimaslik bo'yicha ariza taqdim etilishi shart. Ariza taqdim etmagan yoki korruptsiya ko'rinishlariga yo'l qo'yimaslik ma'nosini anglatmaydigan boshqa ariza taqdim etgan ishtirokchi tanlashdan ChETLASH TIRILADI.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ	5	ЗАЕВЛЕНИЯ О НЕ ДОПУЩЕНИИ КОРРУПЦИИ	5	Экспертная		
ООО TASH ASPHALT BETON INVEST	5	5	5	Экспертная		

Критерий №7 O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligining qurilish-pudrat tashkilotlari elektron reytingidagi darajasi to'g'risida ma'lumot.

Тип: Текстовое значение

